O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 7 апрель, № 70 (4733) Сешанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 11 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **66¹-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 143-моддасида (хатёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 185²-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 229-моддасида (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан яраша ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 3 апрель
№ ЎРҚ — 201

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Стандартлаштириш тўғрисида»**ги 1002–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги);

қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади»;

2) **3-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги стандартлаштириш ишларини бажаришни ўз ваколатлари доирасида бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидир»;

3) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек бошқа махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 3 апрель
№ ЎРҚ — 202

# КЎРКАМ ЗАМИН САХОВАТИ

## туфайли дастурхонимиз янада файзли ва баракали бўлади

Жараён

Бугун мамлакатимиз боғ-роғларида бўлган кишининг қулфидили очилиб кетади. Табиатнинг мўъжизасига гувоҳ бўлиб, унинг яратувчанлигига тасаннолар айтади. Негаки, кеча оппоқ гуллаган дов-дарахтлар айни чоғда мева тугаяпти. Ҳадемай, бу ғўраларга бол иниб, мазаси тилни ёрадиган ширидан-шакар неъматга айланади...

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли боғ-роғлар майдони йил сайин кенгаймоқда, ҳар йили кўплаб янгилари барпо этилаяпти. Бунда Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Натижада мева-сабзавот ва узум етиштириш ҳажми йил сайин ошиб, боғдорчилик сердаромад тармоққа айланмоқда. Фермерлар томонидан етиштирилаётган мева-чевалар эса юртимиз бозорларини тўлдириб, ҳатто бир қисми экспорт қилинаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Сиз суратда кўриб турган Янгийўл туманидаги "Маҳкамбой" фермер хўжалиги раҳбари Эргаш Маҳкамбоев тажрибали боғбонлардан саналади. Бу жамоа тасарруфидаги боғда 10 минг туп мевали ва манзарали дарахтни парваришламоқда.

— Ҳар йили шартномавий режани ортиғи билан бажариб келаяпмиз, — дейди фермер. — Ортгани ўзимизга. Уни консерва қиламиз, қуритиб оламиз. Энди минитехнология сотиб олиб, мева-чевани қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз.

Ҳозирги кунда фермер боғларда баҳорги юмушларни жадал олиб бораяпти. Жорий йилда ҳар қачонгидан мўл ҳосил олмоқчи-да.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# ПАРИЖДА ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

***ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбирлар доирасида "Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати" кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхоналар раҳбарлари, сенаторлар ва депутатлар, Париж шаҳри ва туманларининг ҳокимликлари, Франция сиёсий, ишбилармон, маданий ва ижтимоий доиралар вакиллари қатнашди. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Л. Тиллаева, ЮНЕСКО бош директори К. Мацуура ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н. Бахтиёров сўзга чиқишди.

ЮНЕСКО бош директори К. Мацуура ўз сўзида кейинги йилларда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО шафелигида қўшма тадбирлар ўтказишнинг яхши анъанаси шаклланганлигини таъкидлади. Бунга 2000 йилда бағрикенглик бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинган халқаро конференциянинг Тошкент шаҳрида муваффақиятли бўлиб ўтганлиги далил бўла олади. Икки йил олдин эса ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг яна бир машҳур шаҳри, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлади. Бугунги тадбир ҳам Ўзбекистон учун бўлгани каби, ЮНЕСКО учун ҳам муҳим воқеа ҳисобланади.

"Мен Ўзбекистон раҳбариятига ЮНЕСКО билан ҳам моддий ва ҳам номоддий кўринишдаги бой маданий меросни асраш борасидаги самарали ҳамкорлик учун миннатдорлик билдираман. Шу ўринда ўзбек анъанавий мусиқаси — Шашмақомни, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос репрезентатив рўйхатига киритилган Бойсун ҳудуди маданиятини алоҳида қайд этишни истардим", деди К. Мацуура.

ЮНЕСКО бош котиби ушбу ташкилотнинг Париждаги штаб-квартирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи доирасида ташкил этиладиган барча тадбирлар муваффақият билан ўтишига, шунингдек, Ўзбекистон билан келгусидаги ҳамкорлик янада самарали бўлишига ишонч билдирди.

"Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати" кўргазмаси меҳ-

**Биз ва жаҳон**

монлари намойиш этилган экспонатларни қизиқиш билан кўздан кечириб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

**Сенатор, Франция сенатидаги "Франция-Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси Б. Брут хоним**нинг фикрича, "Ўзбекистон халқ амалий санъатига бағишланган кўргазманинг Парижда ташкил этилиши француз жамоатчилиги орасида катта таассурот уйғотди ва ўзбек халқининг бой маданий мероси билан яқиндан танишиш имкониятини берди. Кўргазма экспонатлари ноёб ва ўзига хос, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон ва Тошкент тарихининг турли даврларини ўзида намоён этади.

Франция Сенати делегацияси таркибида мен ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистонга бордим ва мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Яқинда эса Президентнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўқиб чиқдим. Китобнинг асосий моҳияти ва мураккаб вазиятда инқирозни енгиб ўтиш билан боғлиқ таклифлар нафақат Ўзбекистон учун муҳим, балки улардан бошқа давлатларда ҳам муваффақият билан фойдаланиш мумкин".

**Париж шаҳрининг 1-тумани ҳокими Ж. Лагари** «Ўзбекистон пойтахти минтақадаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ бўлиб, биз Тошкент шаҳри ҳокимияти билан савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз. 2007 йилда Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Тошкентда Лувр ислом музейи галереяси экспонатлари намойишини ташкил этишни таклиф қиламиз. Бундай тадбир ўзбек жамоатчилигига дунёга машҳур музей дурдоналари билан танишиш имкониятини беради, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг янада фаоллашувига хизмат қилади», дея таъкидлади.

**Сенатор, Франция сенатидаги "Франция-Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи аъзоси А. де Монтескью** тадбир ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар экан, жумладан, шундай деди: «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан бўлиб ўтаётган тантаналар қадимий Буюк Ипак йўли цивилизациясига доимо алоқадор ва ўзаро бир-бирини бойитиб келган Ўзбекистон пойтахтининг кўп асрлик тарихини яққол намойиш этади. Тошкент ҳамиша Шарқ билан Ғарбни бирлаштириб келган. Ушбу шаҳар ва унинг дунё цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси ЮНЕСКО томонидан муносиб баҳоланганлигини айтиб ўтишни истардим».

**«Жаҳон» АА.**
Париж

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси парламенти Спикери Абдулла Тармуғий раҳбарлигидаги делегация 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова билан учрашди.***

## СИНГАПУР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг январь ойида Сингапурга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Абдулла Тармуғий. — Ташриф асносида юртингизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистонда қонун ижодкорлари учун яратилган қулай шароит ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни барча йўналишлар қаторида парламентаризм соҳасида ҳам янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Сингапур Республикаси парламенти Спикери Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

**(ЎзА).**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## БОЛАЛАР СПОРТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

*2009 йил март-декабрь ойларида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида* **168** та болалар спорти объекти қурилиб, реконструкция қилинади.

Ана шу объектларнинг ишга туширилиши туфайли барча ҳудудларда ёшларнинг спорт ва жисмоний тарбия, айниқса, сув спорти турлари билан шуғулланишлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»**ги 360-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 70-модда) **10-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **биринчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш банкнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган оралиқ тугатиш балансида акс эттирилган омонатларнинг қолдиғидан келиб чиққан ҳолда банк ва Фонд маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда амалга оширилади»;

2) **иккинчи қисм** чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 6 апрель
№ ЎРҚ — 203

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 11 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»**ги 664-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 164-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 601-модда) **7-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 6 апрель
№ ЎРҚ — 204

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 22 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 6 апрель
№ ЎРҚ — 205

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимиз ривожланишининг асосини ташкил этади. Зотан, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда сиёсий соҳаларда эришилаётган ютуқларимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлидан оғишмай бораётганлигини кўрсатади. Ушбу модель ўзини тўла-тўкис оқлаётганлигини халқаро экспертлар, таниқли олим ва мутахассислар ҳамда нуфузли давлатларнинг расмий вакиллари ҳам эътироф этишмоқда.*

# ИННОВАЦИЯ — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ

Ютуқларимизнинг асосий сабаби, ишлаб чиқариш корхоналарини янги ва илғор технологиялар билан жиҳозлаш, инновацияларни қўллаш натижасида республикамиз ички бозори ўз маҳсулотларимиз билан таъминланганлигидир. Шу орқали истеъмол бозорини тўлдириш учун инвестицияларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида мамлакатимизнинг ўзига хос шарт-шароитлари, имкониятлари, аҳолининг турмуши даражаси, фуқароларнинг кайфияти, руҳияти, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни инобатга олган ҳолда кичик бизнесни, оилавий, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруратга айланди. Уларнинг кенг жорий этилиши туфайли эса юртимиз бозори зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда замонавий илғор технология ва техникалар, яъни инновацияларнинг автомобилсозлик, самолётсозлик, тўқимачилик, нефть-газ, тоғ-кон, металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноати каби қатор соҳаларда қўлланилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бироқ аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишини эътиборга олсак, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, уларнинг муносиб турмуш кечириши учун замонавий ва қулай ижтимоий инфратузилмани барпо этиш зарур. Зеро, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жуда кўп тури мавжуд. Уларни исроф қилмасдан, қайта ишлаб, нафақат ўз халқимизга етказишни, балки хориж мамлакатларига ҳам экспорт қилишни йўлга қўйиш керак. Шу орқали жаҳон бозорида рақобатбардош, экспортбоп тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигига инновацияларнинг кенг татбиқ этилиши ҳудудлардаги ишсизлар учун янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлади.

Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиши ва шу муносабат билан Давлат дастурининг қабул қилинишида чуқур маъно ва моҳият мужассам. Ушбу дастурнинг муайян бандларида қишлоқдаги одамларнинг муносиб турмуш фаровонлигини таъминлаш, юртимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини исроф қилмасдан, уларни жаҳон андозаларига мос равишда охирги харидоргир маҳсулот даражасига етказиш, қишлоққа янги техника ва технологияларни, инвестицияларни жалб этиш, инновациялардан унумли фойдаланиш каби масалалар алоҳида қайд этилган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: биз қайта-қайта такрорлаётган инновациянинг ўзи нима? Мамлакатимиз тараққиётини инновацияларсиз тасаввур қилиш мумкинми?

**Парламент ҳаёти**

«Инновация» сўзи инглиз тилидаги «Innovation» сўзидан олинган бўлиб, «янгиликни жорий этиш» деган маънони англатади. Бунда янгилик деганда, айнан янги тартиб, янги усул, ихтирони, янги воқеликни тушуниш, янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш тушунилади.

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ривожланишимизнинг асосини инновацияларсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, юртимиз олимларининг турли жабҳалардаги инновацион лойиҳалари, ихтиролари, таклиф ва тавсиялари мавжуд. Бироқ бугунги кунда улар қишлоқ хўжалигини замон талабларига мос равишда тўлиқ модернизация қилиш учун етарли эмас. Бунинг асосий сабаби, инновацияларнинг қишлоқ шароитимиздаги ҳақиқий аҳволнинг, аниқ талаб ва эҳтиёжнинг, ҳудудлардаги алоҳида жиҳатларнинг эътиборга олинмаслигидадир. Қолаверса, ишлаб чиқилаётган маҳаллий инновациялардан амалда фойдаланишнинг аниқ, пухта механизми ҳамда ҳуқуқий базаси мукаммал бўлиши керак. Инновациялар қайси соҳаларга тегишли бўлишидан қатъи назар, уларни амалда жорий этиш механизмини оқилона йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун айнан ушбу масалага доир тегишли қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақозо этилади. Зеро, иқтисодиётдаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, шак-шубҳасиз, фақат янги ва замонавий технологияларни, инновацион лойиҳаларни бевосита амалиётга жорий этиш орқали эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муносабатлар фақат давлат ташкилотларига эмас, балки хусусий сектор вакилларига дахлдор бўлиб қолаётганлигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Ҳозирги шароитда агросаноат соҳасида илмий-техник ва инновация сиёсатини амалга оширишнинг энг устувор йўналиши — бу давлат томонидан қишлоқ хўжалиги саноатида янги технологиялар жорий этилиши ҳамда амалда татбиқ этилишининг қўллаб-қувватланишидир.

Шу боис мамлакатимизда аграр соҳани, агросаноат комплексини замон талабларига мос равишда тараққий эттириб, ички бозорни юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бойитиш ҳамда ушбу соҳага инновацияларни татбиқ этишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Инновация фаолияти тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим. Истиқболда ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган мазкур қонун лойиҳасида инновация фаолияти, унинг турлари, дастурлари ва лойиҳалари ҳақида ҳамда инновация фаолиятини суғурталаш, ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш каби қатор йўналишлар қамраб олиниши назарда тутилган.

Зеро, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида инновациялардан ўз ўрнида ва кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

*Оила мустаҳкамлиги юрт тинчлиги, фаровонлиги ҳамда тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис оила аталмиш муқаддас даргоҳга қадам қўяётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар онгига ана шундай туйғуларни сингдириш муҳим аҳамиятга эга.*

# МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

— Бу борада бизнинг никоҳ уйимиз муайян ишларни амалга оширмоқда, —дейди Тошкент шаҳридаги 1-сонли никоҳ уйи директори Зумрад Акрамхўжаева. — Чунки бу ерда нафақат никоҳни қайд этиш, балки ёш йигит-қизларни катта ҳаётга тайёрлаш, уларга никоҳ тўғрисида кенг тушунча бериш мақсадида «Ёшлар мактаби» маркази ташкил этилган. Унда малакали мутахассислар, кўпни кўрган онахонлар, отахонлар ёшларга оила, никоҳ, тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида қимматли маслаҳатлар беришади. Бу эса катта ҳаёт остонасида турган ёшларга маънавий кўмакдир.

Маълумотларга кўра, ушбу никоҳ уйида 2008 йили 1298 та никоҳ қайд этилган. Ҳозиргача ушбу никоҳ уйи томонидан 140 нафардан ортиқ келин-куёвга мустақил ҳаётга йўлланма берилди.

**СУРАТДА:** ёш келин-куёвга мустақил ҳаёт сари йўлланма берилмоқда.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

**Мамлакатимиз олий ўқув юртларида, таълим-тарбия муассасаларида Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганишга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.**

Ана шундай тадбирлардан бири Наманган вилоятидаги Косонсой педагогика коллежида бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, ҳуқуқшунос олимлар, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда Юртбошимизнинг мазкур асарида илгари сурилган долзарб вазифалар, маънавият тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти, бугунги глобаллашув жараёнида миллий маънавиятимизга хавф солаётган таҳдидлар, азалий қадриятларимизга ёт бўлган ғоя ва оқимлар, ёш авлодни улар таъсиридан ҳимоялаш масалалари хусусида фикр юритилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айтганда, маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашлари мезонидир. Шу боис маънавий комиллик юрт истиқболини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда Ватан, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Тошкент вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан касаллик (ОИВ) тарқалишининг олдини олишга мутасадди бўлган мутахассислар таклиф этилди.***

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунга келиб, халқаро миқёсда одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан касаллик, яъни ОИВ тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашувлар кескин ўзгарди. Чунки 2004 йилда эпидемия тарқалиши натижасида дунё бўйича 4,6 млн. одам зарарланган бўлса, 2008 йилга келиб, 33,2 млн. киши ушбу касалликка чалингани аниқланган. Республикамизда мазкур касалликнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ОИТСга қарши кураш борасида ягона тизимни шакллантириш, аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли ҳимоя қилиш ва унинг зарурий профилактикасини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Мазкур ҳужжатни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1-сонли қарори қабул қилинди. Унга асосан эса, 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режаси тасдиқланди.

Йиғилишда юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, соҳада мавжуд камчиликлар муҳокама қилинди. Жумладан, Тошкент вилоятида ушбу касалликнинг аёллар ўртасида кўпайганлиги, ОИТСга қарши кураш маркази биносининг таъмирталаблиги, вилоят даволаш профилактика муассасаларидаги марказий стрелизация пунктлари талабга жавоб бермаслиги, Тошкент шаҳрида эса кадрлар масаласи ҳамда ОИВ инфекцияси профилактикаси борасидаги тарғибот ишлари етарли эмаслиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда 1999 йилда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

***Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилингандан кейин бу соҳага эътибор янада кучайди.***

# ЧОРВАСИ БОР УЙНИНГ БАРАКАСИ БОР

"Чорваси бор уйнинг баракаси бор", деганлари рост экан. Жойларда бўлган киши бу фикрнинг нечоғли ҳақиқат эканлигига амин бўлади. Яқинда Пахтакор туманида бўлиб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари етиштирилиши билан қизиқдик. Кўрган ва эшитганларимиз бу фикримизни янада қатъийлаштирди.

Эътибор беринг: ўтган йили тумандаги ўнлаб фермер ва тадбиркорлар шахсий чорвачиликни ташкил этиб, оиласини, қолаверса, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйишибди. Ҳозир тумандаги жами қорамол сони 28 минг бошдан зиёдроқни ташкил этади. Бошқача айтганда, кейинги бир йилда қорамол сони 3 минг бошга кўпайган. Натижада сут ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,3 фоизни, гўшт ишлаб чиқариш эса 113 фоизни ташкил этаётир. Қолаверса, бу кўрсаткич йил охирига қадар янада ўсиши мумкин. Бундан ташқари, туман яйловларида 21 минг бошга яқин қўй-эчки боқилаётир.

"Зоир Нур" фермер хўжалигида зотдор соғин сигирлару бўрдоқилар боқиляпти. Дарвоқе, ушбу фермер хўжалиги раҳбари яқинда Польшадан 33 бош зотдор соғин сигир келтириб, фермани кенгайтирибди.

— Чорвадорларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, шу тармоққа қўл урдик, — дейди бошқа бир фермер Шуҳрат Анорбоев. — Кейинги 3-4 йилда қорамол сонини 30 бошга етказдик. Уларнинг барчаси зотдор. Ҳар йили 4-5 та буқани бўрдоқига боқамиз. Даромадларимиз чакки бўлмаяпти. Шу даромад ҳисобидан молхонани кенгайтирдик, янги русумдаги "Нексия" автомашинасини харид қилдик. Бир сўз билан айтганда, чорвачиликда хикмат кўп. Шу боис чорва сонини янада кўпайтириш ниятимиз бор...

Туман тадбиркорларининг бу хайрли ҳаракати бошқаларга ҳам кўчган, шекилли, қишлоқ аҳолиси чорвачиликка бўлакча меҳр билан қарамоқда. Ҳар бир хонадонда чорва моллари боқилаётганига кўзингиз тушади.

— Қишлоғимизда соғин сигири йўқ хонадонни тополмайсиз, — дейди Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жўрабой Ўроқбоев. — Йўлини қилганлар бўрдоқига буқа боқиб, оила иқтисодини кўтармоқда. Шунингдек, биз ҳам шундан ўрнак олиб, чорвачиликни йўлга қўйдик. Биринчи қадамлар ёмон эмас. Муҳими, ем-хашак муаммоси шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда. Мана, мисол учун, биз 20 сотих ерга беда экдик. Агар беда яхши парвариш қилинса, уни 6 мартагача ўриб олиш мумкин.

**Қарор ва ижро**

Айтиш лозимки, вилоятда шахсий чорвачиликни ривожлантириш учун яратиб берилаётган шароит ва қулайликлар яхши натижалар гарови бўлмоқда. Мисол учун, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида зооветеринария хизмати кўрсатиш самарадорлигини оширишга эътибор берилаётганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Ҳозир вилоятда 128 та ана шундай шохобча ва пункт ишлаб турибди. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 11 минг бошдан зиёд қорамол сунъий қочирилган. Шунингдек, бошқа турли зооветеринария хизмати кўрсатилган. Йил охиригача яна 10 дан зиёд зооветеринария шохобча ва пунктларини ташкил этиш режалаштирилган. Уларни ишга туширишва жиҳозлаш учун 20 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

Аҳоли чорвасини ем-хашак билан таъминлаш, озуқабоп экинлар етиштириш учун суғориладиган ер ва яйловлар ажратиш масаласи ҳам ижобий ҳал этилаётир. Масалан, "Омихта ем" масъулияти чекланган жамиятининг 126 та шохобчаси ташкил этилган бўлиб, уларда ем, шрот, шелуха савдоси доимий йўлга қўйилган. Албатта, бу қулайликлардан фермер ва тадбиркорларимиз жуда мамнун. Муҳими, ана шу қулайлик ва ғамхўрликлардан унумли фойдаланган фермер ва тадбиркорларимиз чорва моллари сонини кўпайтириб, аҳолининг чорвачилик маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришда салмоқли улуш қўшишмоқда.

...Яна Пахтакор тумани чорвадорлари ҳақидаги ҳикоямизга қайтамиз. Туман фермер хўжаликлари эришган яхши бир натижа бизни беэътибор қолдирмади. Улар фермер хўжалиги ишчи-хизматчиларининг оила аъзоларини сут-қатиқ билан юз фоиз таъминлашни йўлга қўйишибди. Қолаверса, маҳсулотнинг бир қисмини мактабгача тарбия муассасалари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига топшириб, яхшигина даромад қилишмоқда. Шу боис бозорларда сут, қатиқ, қаймоқ, творог маҳсулотлари жуда сероб.

Кўриниб турибдики, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликнинг йўлга қўйилиши аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш билан бирга, халқимиз дастурхонининг мўл-кўл ҳамда қишлоқларимизнинг янада фаровон бўлишини таъминлаётир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 7 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1033,23 | 1 Малайзия рингити | 404,63 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2144,46 | 1 Польша злотийси | 439,26 |
| 1 Дания кронаси | 261,78 | 1 СДР | 2154,80 |
| 1 БАА дирҳами | 391,10 | 1 Туркия лираси | 911,39 |
| 1 АҚШ доллари | 1436,44 | 1 Швейцария франки | 1277,40 |
| 1 Миср фунти | 255,82 | 1 Евро | 1948,96 |
| 1 Исландия кронаси | 12,12 | 10 Жанубий Корея вони | 10,92 |
| 1 Канада доллари | 1173,56 | 10 Япония иенаси | 142,53 |
| 1 Хитой юани | 210,18 | 1 Россия рубли | 42,99 |
| | | 1 Украина гривнаси | 186,55 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Италияда зилзила

***Италия марказидаги Абруццо ҳудудида кучли ер силкиниши содир бўлди.***



Ахборот агентликлари тарқатган маълумотларга қараганда, зилзила марказ Л'Акуила шаҳридан 85 километр шимоли-шарқда қайд этилган ва унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллга етган. Табиий офат жиддий талафотларни келтириб чиқарди. Расмий маълумотларга кўра, 27 киши ҳаётдан кўз юмган, 10 мингга яқин бино вайронага айланган. Қутқарувчилар қулаган иморатлар остида кўплаб одамлар қолиб кетганини айтишмоқда.

Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

## Парранда гриппи аломатлари

***Мисрнинг Калъюбия музофотида парранда гриппи аломатлари аниқланди.***

"Reuters" ахборот агентлигининг хабар қилишича, ушбу хасталик вирусини юқтириб олган олти ёшли бола касалхонага етказилди. Шифокорлар унинг аҳволи оғирлигини билдиришган.

Статистика маълумотларига қараганда, ҳозиргача Мисрда ана шу касалликка чалинган 62 киши қайд этилган.

## Инқироз келтираётган муаммо

***АҚШ Меҳнат вазирлигининг маълум қилишича, жорий йилнинг март ойида мамлакатда ишсизлар сони 8,1 фоиздан 8,5 фоизга ошган.***

Ўтган ойда бу ерда 694 минг киши ўз иш жойидан ажралган. Шу тариқа мамлакатда ишсизларнинг умумий миқдори 13,2 миллион кишига етган.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз туфайли океанорти мамлакатларида ишсизлик масаласи жиддий тус олмоқда. Масалан, Лотин Америкаси давлатларида бу борадаги кўрсаткич 10,9 фоизни ташкил этмоқда. Дастлаб асосан молия муассасаларида иш ўринлари қисқартирилиши сабабли, бу кўрсаткич ошгани кузатилган бўлса, айни пайтга келиб, инқироз барча тизимдаги ташкилотларга ўз таъсирини ўтказаётгани маълум қилинган.

## Хунрезлик амалга оширилди

***Ироқ пойтахти Бағдод кўчаларидан бирида қўпорувчилик содир этилди, дейилади "AFP" ахборотида.***

Йўл четида турган автомобиллардан бирига ўрнатиб кетилган қўлбола портловчи ускунанинг ҳаракатга келтирилиши натижасида кучли портлаш юзага келган. Оқибатда 13 киши ҳалок бўлган, 39 нафар одам турли даражада тан жароҳати олган. Маҳаллий полиция вакиллари қурбонлар сони яна ошиши мумкинлигини маълум қилишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, сўнгги кунларда Ироқда бундай хунрезликлар тез-тез амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 26 март куни содир этилган қўпорувчилик натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


# РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

## ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 22 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилганлигини маълум қилади:

**I. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-I-481/2008-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, ХЁАТ «Парвина» банки ва унинг тизимидаги хўжалик юритувчи ташкилотларга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:**

**Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уйда жойлашган «Самарқанд автотеххизмат» 1-сонли автосалони омборхонасида сақланаётган:**

- «Ласетти» русумли автомашина, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 497, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 23 061 708 сўм.***
- «Шевролет Эпика» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AS 720, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 38 234 670 сўм.***
- «Шевролет Каптива» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 771, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 45 209 400 сўм.***
- «Шевролет Каптива» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 605, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 46 369 575 сўм.***
- «Шевролет Такума» русумли автомашина, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AS 123, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 31 171 299 сўм.***
- «РАФ-2203» русумли микроавтобус, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AL 659, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 5 491 956 сўм.***
- «Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 421, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 5 780 634 сўм.***
- «Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 249, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 5 599 989 сўм.***
- «ГАЗ-2417» русумли автомашина, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AA 257, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 1 982 751 сўм.***
- «Дамас» русумли автомашина, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 251, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 5 780 633 сўм.***
- «SAZ NP 21 ISUZU» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 915, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 40 597 800 сўм.***
- «SAZ NP 21 ISUZU» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 914, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 43 118 485 сўм.***
- «SAZ NP 21 ISUZU» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 916, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 44 552 035 сўм.***
- «Отойўл-659» русумли автомашина, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AO 212, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 16 896 500 сўм.***

**II. Самарқанд шаҳри, аэропорт ҳудуди, Лочин кўчаси, 9-уй, «Парвина курувчи» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:**

- «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AJ 103, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 6 948 200 сўм.***
- «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AJ 219, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 7 330 750 сўм.***
- «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AJ 220, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 6 735 500 сўм***
- «КАВЗ-685» русумли автобус, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 059, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 757 870 сўм.***

**III. Самарқанд тумани, Узоқ Лагер қўрғони, «Самарқанд автотеххизмат» 1-сон АТУда сақланаётган:**

- «ГАЗ-53» русумли автомашина, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AN 534, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 6 474 000 сўм.***
- «КамАЗ-5511» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 062, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 12 487 500 сўм.***
- «КамАЗ-5511» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 070, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 13 653 000 сўм.***
- «Отойўл 80-12» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 328, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 7 621 750 сўм.***

**IV. Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчасидаги «Самавтосервис»да сақланаётган:**

- «Отойўл 80-22» русумли автомашина, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 213, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 7 090 000 сўм.***

**V. Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғи, «Парвина-М» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:**

- «М-412» русумли автомашина, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 453, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 546 952 сўм.***
- «ДАМАС» русумли автомашина. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 136, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 4 822 004 сўм.***
- «МИДИБУС 29М» русумли автобус. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AA 187, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 15 768 000 сўм.***
- «МИДИБУС 24М» русумли автобус. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AB 143, техник соз.
  ***Бошланғич баҳоси — 18 264 600 сўм.***
- «Отойўл 80-12» русумли автомашина. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AC 573, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 7 911 000 сўм.***
- «Отойўл 65-9» русумли автомашина. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 568, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 7 032 000 сўм.***
- «ГАЗ-5312» русумли автомашина. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 776, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 2 376 000 сўм.***
- «ГАЗ-3307» русумли автомашина. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AN 536, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 2 250 000 сўм.***

**VI. Самарқанд шаҳри, Геология кўчаси, «Парвина-Курувчи» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:**

- «ДАМАС» русумли автомашина. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 250, техник носоз.
  ***Бошланғич баҳоси — 5 464 505 сўм.***

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалиниг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»и Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси тиббиёт-санитария бўлимига 2004 йил октябрь ойида берилган 4454-рақамли лицензия битими йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*



"Росагропромснаб" МЧЖ

# ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- $5^3$ в/ч дан $500^3$ в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Махсулот сертификатланган.

**Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.



ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

товар сертифицирован форма оплаты-любая

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127

zakamsk-group@mail.ru


# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, хорижий Шарқ минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиё ҳудудидаги энг йирик ва таниқли олий ўқув юрти ҳисобланади.**

*Тошкент Давлат шарқшунослик институтида бугунги кунда 9 та таълим йўналиши ва 13 та магистратура мутахассисликлари бўйича таълим олиб борилади. Қуйида 2008-2009 ўқув йилида институтни мазкур таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар бўйича берилмоқда. Институт раҳбарияти давлат муассасалари раҳбарлари ва ходимлар масаласи билан шуғулланувчи масъул бўлимлардан ҳамкорлик ўрнатишлари ва вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.*

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 233-34-24, 252-65-82.

## БАКАЛАВРИАТ

(Д-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида)

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари | Вилоятлар: Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сирдарё вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Тошкент вилояти | | Тошкент шаҳри | | Жами | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш |
| 1. | Филология | | 1 | | 2 | | 1 | | | | 2 | | 1 | 1 | | 1 | 5 | | 1 | | | 1 | 2 | | 1 | 8 | 12 | 31 | 63 | 42 | 91 |
| 2. | Мумтоз филология | | | | 1 | 2 | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | | 9 | 20 | 12 | 25 |
| 3. | Тарих | | 1 | | | | 1 | | | 3 | 4 | | 2 | 1 | 4 | | 1 | | | 1 | 1 | | 4 | | 1 | 1 | 5 | 11 | 21 | 17 | 45 |
| 4. | Фалсафа | | | | 1 | | 2 | | 1 | 1 | 5 | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | 2 | | 1 | 1 | | 1 | 5 | 6 | 10 | 19 |
| 5. | Диншунослик | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 | 2 | 1 | | | 1 | | 1 | | | | 3 | 10 | 12 | 14 | 21 |
| 6. | Халқаро муносабатлар | | 1 | 1 | 2 | | 8 | | 1 | 3 | 4 | | | | | 1 | 3 | 2 | 1 | | 1 | | 5 | | 2 | 1 | 1 | 10 | 30 | 18 | 59 |
| 7. | Сиёсатшунослик | | | | 3 | 1 | 1 | | | | 3 | | | | 1 | | 2 | | 1 | | | 1 | 2 | | | | 5 | 8 | 11 | 12 | 27 |
| 8. | Минтақашунослик | | 2 | | 1 | 1 | | | | 3 | 4 | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | 2 | 4 | | | | 6 | 28 | 51 | 35 | 70 |
| 9. | Халқаро иқтисодий муносабатлар | | 2 | 1 | 1 | | 2 | 1 | | | 5 | 1 | 1 | | 1 | | 4 | | | | | 1 | 3 | 1 | 1 | 2 | 4 | 10 | 42 | 17 | 66 |
| | **Жами** | | **8** | **3** | **11** | **4** | **17** | **1** | **3** | **10** | **27** | **2** | **4** | **3** | **7** | **3** | **19** | **3** | **3** | **2** | **5** | **7** | **21** | **3** | **6** | **13** | **37** | **122** | **256** | **177** | **423** |

## МАГИСТРАТУРА

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари | Вилоятлар: Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сирдарё вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Тошкент вилояти | | Тошкент шаҳри | | Жами | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш | Д | Ш |
| 1. | Адабиётшунослик | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 4 | 6 | 4 | 7 |
| 2. | Лингвистика | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | 2 | 1 | 1 | | | | 5 | 8 | 23 | 9 | 35 |
| 3. | Таржима назарияси ва амалиёти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 4 | 3 | 6 |
| 4. | Адабий манбашунослик ва матншунослик | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 2 | 1 | 3 | 2 |
| 5. | Хорижий мамлакатлар тарихи | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | | | | 1 | 6 | 7 | 7 | 11 |
| 6. | Тарихшунослик, манбашунослик | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 3 | 8 | 3 | 9 |
| 7. | Замонавий Шарқ фалсафаси ва тарихи | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 | | 5 | 1 | 7 |
| 8. | Исломшунослик | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | 3 | 3 | 10 | 3 | 17 |
| 9. | Халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | 2 | | 15 | 2 | 20 |
| 10. | Мумтоз филология | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 6 | 2 | 6 |
| 11. | Халқаро тизимлар | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 2 | 2 | 7 | 2 | 11 |
| 12. | Мамлакатлар минтақашунослиги | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | 5 | 32 | 5 | 35 |
| 13. | Халқаро иқтисодий муносабатлар | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 5 | 2 | 31 | 2 | 38 |
| | **Жами** | | **2** | | **1** | **1** | **2** | | **2** | | **3** | | | | **1** | | **5** | **2** | | | **4** | **3** | **6** | | **2** | **2** | **21** | **38** | **155** | **46** | **204** |


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

**7 апрель — Жаҳон саломатлик куни**

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бундан роппа-роса 61 йил муқаддам, яъни 1948 йилнинг 7 апрелида ташкил этилган. Шу муносабат билан ҳар йили шу куни дунё мамлакатларида «Жаҳон саломатлик куни» сифатида нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг алоҳида бўлими ҳисобланадиган мазкур ташкилот аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг халқаро ва миллий муаммолари ечимини топиш, оналикни таъминлаш каби долзарб масалалар билан шуғулланиб келмоқда.*

# ТИББИЙ ИСЛОҲОТ ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Айни кунда ташкилотнинг олтита ҳудудий ваколатхонаси ҳамда илмий марказлари мавжуд. Жаҳоннинг 190 дан зиёд мамлакатлари қаторида Ўзбекистон ҳам ЖССТнинг аъзосидир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар мазкур халқаро ташкилот эътибори ва эътирофига сазовор бўлаяпти. Ўз навбатида, Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида бир қанча истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. ОИВ ва ОИТС, сил касалликлари, эмлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ташқи муҳит, овқатланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги каби йўналишларни қамраб олган лойиҳалар шулар жумласидан.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини тубдан юксалтириш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг янада чуқурлашувига хизмат қилди. Бинобарин, Президентимизнинг 2007 йил сентябрь ойидаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил октябрь ойидаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши тизимни янада ривожлантириш борасидаги хайрли мақсадлар йўлида дастуриламал бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига биноан, ҳозирда республикамизнинг барча вилоятларида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, 30 та шаҳар ва 169 та туман тиббиёт бирлашмалари, мукаммал тиббий ускуналарга эга, малакали кадрлар билан таъминланган замонавий диагностика марказлари ташкил этилди. Шунингдек, юртимизда ишлаб турган тўртта ихтисослаштирилган тиббиёт маркази қаторига Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология, Педиатрия, Терапия ва тиббий реабилитация, Дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Эндокринология илмий-амалий марказлари ҳам қўшилди.

Табиийки, бу ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишдан иборат. Шу маънода, бугун ҳам тиббиёт соҳасидаги хайрли ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

*Хусусан, мамлакатимизда жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан давлатимиз томонидан қишлоқда тиббий хизмат даражасини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, республикамиздаги мавжуд 3128 та қишлоқ врачлик пункти фаолиятини тубдан яхшилаш ва уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш энг устувор вазифаларимиз қаторидан жой олган.*

**Васила АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи.**

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

***Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда спорт алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада маҳалла болалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" турнирининг ҳам ўз ўрни бор.***

Куни кеча Қибрай туманидаги Салар шаҳарча фуқаролар йиғинига қарашли Ойбек маҳалласида мазкур мусобақанинг қуйи саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда маҳалладаги юз нафарга яқин болалар тўрт гуруҳга бўлиниб, ўзаро куч синашдилар.

— Мақсадимиз ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини таъминлашдан иборат, — дейди маҳалла оқсоқоли Самиғ Бадалов. — Бугунги мусобақада ғолиб чиққан ёшлар орасидан кейинги босқичда иштирок этадиган жамоа шакллантирилади.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# «Умид ниҳоллари»дан умид катта

**Мактаб ўқувчилари жисмоний етуклигининг кўриги бўлган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари жойларда янгидан-янги иқтидорларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда.**

Наманган вилоятининг ёш спортчилари мазкур спорт анжуманининг келгуси ой Гулистон шаҳрида ўтказиладиган республика босқичига ҳозирликнинг якунловчи машғулотларини ўтказмоқдалар.

Унинг мактаб босқичларида 161,2 минг ўқувчи иштирок этган бўлса, шаҳар ва туман босқичларида 12,5 минг нафар бола шахмат-шашка, енгил атлетика, мини футбол ва спортнинг бошқа кўплаб турларида ўз кучини синаб кўрди. Катта мусобақага ҳозирлик жараёнида, шунингдек, футбол, волейбол, қўл тўпи, кураш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Унда Янгиқўрғон, Тўрақўрғон ва Наманган туманлари спортчиларининг қўли баланд келди.

— Куни кеча Наманган шаҳридаги 19-спорт мактабида бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилиги ниҳоясига етди, — дейди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгашининг раиси Комилжон Охунов. — Унинг ғолибларидан шакллантирилган терма жамоа Сирдарёдаги баҳсларда Наманган вилояти шарафини ҳимоя қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ўтган дам олиш кунларида футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

## ТЎРТИНЧИ ТУРДАН СЎНГ

Турнинг марказий ўйинларидан бири — "Локомотив"— "Бунёдкор" жамоалари ўртасида ўтказилди. Унда Жоа Виктор ва Анвар Солиевлар томонидан киритилган голлар эвазига амалдаги чемпион "Бунёдкор" жамоаси 2:0 ҳисобида зафар қучди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Андижон"— "Навбаҳор" 1:1, "Бухоро"— "Металлург" 0:0, "Олмалиқ" — "Динамо" 1:0, "Хоразм"— "Қизилқум" 2:0, "Шўртан"— "Сўғдиёна" 2:1, "Машъал"— "Нефтчи" 1:2.

"Пахтакор"—"Насаф" ўйини 29 апрелга қолдирилди.

Ҳозирча чемпионатда 12 очко жамғарган "Бунёдкор" якка пешқадам бўлиб турибди. "Насаф" 9 очко билан иккинчи, "Хоразм" эса 8 очко тўплаб учинчи ўринда бормоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Жаҳон чемпионатига қуръа ташланди

***Хабарингиз бор, ёшлар (U-20) ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатига жорий йилнинг 24 сентябрь — 16 октябрь кунлари Миср давлати мезбонлик қилади.***

Мундиалда дунёнинг 24 та кучли терма жамоаси иштирок этади. Улар орасида мураббий Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам бор.

Кеча Мисрнинг Луксор шаҳрида чемпионатнинг гуруҳ учрашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, Ўзбекистон ёшлари **"Д" гуруҳи**да Гана (Африка), Англия (Европа) ва Уругвай (Жанубий Америка) терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб борадиган бўлди.


**Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 29 августдаги 10-0816/7807-сонли буйруғига асосан ҳатланган, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 2-муюлиш, 115-«А» уйда жойлашган 789 кв.м., ер майдони, 746 кв.м. фойдаланиш майдони бўлган 1 қаватли бино иншооти қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 157 094 129,60 сўм.***

Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz**

***РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!***

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

3481147


Спорт • Sport • Спорт • Sport

**Қадрият**

# УСТАНИНГ НОНИ БУТУН

***Ҳунарли инсон хор бўлмайди. Бугун эса ҳунар билганни халқ ҳам, давлат ҳам қўллаяпти, эъзозлаяпти. Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ҳунармандлар меҳнати қадр топди. Ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касб-ҳунар коллежларида асрлар оша барҳаёт қадимий ҳунар турларини ёш авлодга ўргатиш кенг йўлга қўйилди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, кўҳна ҳунар турларини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган мўътабар инсонлар Сурхондарё вилоятида тобора кўпайиб бормоқда.***

— Бугун миллий ҳунармандчилигимиз қадрият даражасига кўтарилди, — дейди "Ташаббус-2008" республика кўрик-танлови совриндори, деновлик ҳунарманд Исомиддин Алимов. — Техник-технологик имкониятлар қанчалик ортиб бормасин, ҳунарманд меҳнатига эҳтиёж барибир камаймайди. Чунки ҳунарманд қўли билан яратилган бирор жиҳоз ёки буюмнинг жозибаси ўзгача. Унда табиийлик сақланиб қолади. Қолаверса, ҳунар эгаси маҳсулотни маълум кўникма ва тажрибаларига асосланибгина эмас, балки меҳр ва иштиёқ билан тайёрлайди.

Жарқўрғонда Жумақул исмли ҳунарманд яшаб ўтган. У тол ёғочидан бежирим лаган ва қошиқлар ясаган. Айтишларича, бундай буюмлар ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, ёғоч лаганда тортилган таом тўйимли ва мазали туюлади. Тол қошиқдан таралган хушбўй ўт-ўланлар ҳиди эса иштаҳани очади.

Бугун Жума аканинг касбини фарзандлари, набиралари давом эттираяпти. Хусусан, Рустамжон лаган ясашнинг ҳадисини олган. Тол ёғочидан тайёрланган ушбу лаганлар ниҳоятда енгил, ундан қанча кўп фойдалансангиз, шунча жозибали бўлиб бораверади, мойга тўйиниб қирмизи тусга кира бошлайди. Аъзамжон тол чўпларидан мўъжаз аравачалар тайёрлайди. Бу аравачалар пухта-пишиқлиги билан бирга, ғоятда бежирим. Комилжон ясаган кувилардан эса сутдан қатиқ-сузма, қаймоқ ва сарёғ олишда фойдаланиш мумкин.

Термиз туманининг Учқизил қишлоғида яшовчи Олмос ака ҳам тол ёғочидан рўзғор буюмлари ясайди. Эътиборлиси, у тайёрлаган буюмлар замон талабларига мос: қулай, жимжимадор ва сифатли. Масалан, битта буюмнинг ўзида туз, гармдори сақланадиган ғаладонлар, қошиқ, тақсимчалар жойлаштириладиган мосламалар мавжуд. Шу билан бирга, Олмос ака — моҳир бешиксоз уста. Шу ҳудудда яшовчиларнинг айтишича, уста тайёрлаган бешикларда чақалоқлар яхши ором олар экан. Шу боис устанинг бешикларига талабгорлар кўп.

Жарқўрғоннинг Ҳайитобод маҳалласида бўйрачилар қишлоғи бор. Бу ерда яшовчи ҳунармандлар қишлоқ яқинидаги зовурлардан қамиш ўриб келадилар. Сўнгра уни махсус пичоқ билан ёриб, ёғоч болғачалар билан янчадилар. Янчилган қамишни икки сим оралиғидан ўтказиб, дағал қобиғини арчийдилар ва уни сув сепиб юмшатадилар. Ана шу жараёндан сўнг бўйра тўқийдилар. Бу борада, айниқса, Хушбоқ момо Ҳамроевага тенглашадигани йўқ. У бир кунда бештагача бўйрани нақш ва жило бериб тўқий олади. Гилам тагига ташланадиган бу бўйралар тўшалган жойга куя, ҳашаротлар яқинлашмайди. Бўйра тўшалган уй ёзда салқин, қишда илиқ бўлади.

Ойимхол момо Эрмонованинг ҳунари ҳам антиқа. У узундан-узоқ қамишлардан мардон деб аталувчи ғалла сақланадиган идишлар ясайди. Мардонда ғалла тоза ва узоқ сақланади. Унга мита хавф солмайди, чумоли ўрмаламайди.

— Момоларимиз қадимий ҳунарларни билишади. Жумладан, биргина қамишнинг ўзидан ўнлаб буюмларни тайёрлаш мумкин экан. Қари билганни пари билмас, деганлари бежиз эмас-да, яқинда улардан қамишдевор ясашни ўргандик. Энди тенгдошларимизни жамлаб, бўйра, мардон тўқийдиган цех очмоқчимиз, — дейди ёш ҳунарманд Баҳром Сафаров.

— Ҳунармандларимиз республика миқёсида ўтказилган анъанавий танлов ва кўргазмаларда совриндор бўлишмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти ҳунармандлар уюшмаси раиси Маҳмуд Худоёров. — Биз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида уларга кредитлар ажратиш кўзда тутилаяпти. Шунингдек, ҳунармандчилик турига қараб, ҳар бир маҳаллада ўқув-амалиёт машғулотларини ташкил этиш, цехлар очиш режамиз ҳам бор. Айни пайтда эса жойларда устоз-шогирдлик анъанасини янада кенг қўламда йўлга қўйиш, касаначилик фаолиятини ривожлантириш борасида иш олиб бораяпмиз.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


**Аҳоли диққатига!**

**«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК**

**республикамиз истеъмолчи аҳолисига 2009 йил 1 апрелдан бошлаб электр энергияси учун янги тариф жорий этилганлигини билдиради.**

**Унга кўра, 1 киловатт-соат электр энергиясининг нархи — 62 сўм 20 тийин, электрплиталари билан жиҳозланган кўп қаватли уйларда яшовчи истеъмолчи аҳоли учун — 31 сўм 10 тийин белгиланган.**

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, 2009 йил 10 апрелгача истеъмолчи аҳоли фойдаланган 1 киловатт-соат электр энергияси учун 60 сўм 40 тийин, электрплиталар билан жиҳозланган кўп қаватли уйларда яшовчилар 30 сўм 20 тийинлик тариф бўйича тўловларни амалга оширишлари зарур.

34SR/515

**ООО "CHIRCHIK TEPLO SYSTEMS"**

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHTS

**ҚОЗОНЛАРИ**

*ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ*

**Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди**

маҳсулот сертификатланган

**Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».**

**Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-59-87, (+998 97) 416-90-06, (+998 98) 314-59-87.**

**E-mail: chts.uz@mail.ru**

319Н/


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси жамоаси Қўмита аъзоси Н. Ҳ. Каримовга онаси **САИДА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси тарих факультети деканати методисти **Абдураҳмон ХОЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси «Олий математика» кафедраси доценти Араббой Эшовга падари бузруквори **ТУРОББОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси компаниянинг хўжалик бўлими бошлиғи Равшан Усмоновга онаси **РУҚИЯ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ҳамда жамоаси "Ўзқурилишматериалсавдо" МЧЖ бош директори Зиёдулло Бобоназаровга падари бузруквори **БОБОНАЗАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**СП ООО "KAMAZ AVTOPROM"**

Официальный дилер ОАО "KAMAZ"

Продажа * Запчасти * Сервис * Гарантия * Лизинг

**т. 238-93-42**



Услуги лицензированы под заказ

**КАМАЗЫ ГРЯЗИ НЕ БОЯТСЯ!**

г. Ташкент, проспект А. Темура, 107 Б, офис 6С-08, e-mail: kamaz_uz@platinum.uz


# ОБ-ҲАВО

**(7 апрель)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 0-5 даража илиқ, айрим жойларда эса 1-2 даража совуқ бўлиши мумкин. Кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ҳамда куннинг биринчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Кечаси ва куннинг биринчи ярмида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлади. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг биринчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 4-6 даража илиқ, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ** *Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади* *Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!* ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.00 Топширилди — 22.00 7